

БАЪЗИ ФОРС-ТОЖИК ТИЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ХУСУСИДА

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7534619>

Ж.Ж.Эгамбердиев

АДЧТИ,



ELSEVIER



Received: 12-01-2023

Accepted: 13-01-2023

Published: 22-01-2023

Abstract: Ушбу мақола ўзбек тилига хинд-европа тилларидан, айнан форс-тоҷик тилидан кириб келган баъзи қўшимчалар ва сўзларнинг тузилиши ҳамда уларнинг маъноларига багишланган

Keywords: интеграция, сўз, қўшимча, таржима, маъно, бирикма, олинма сўзлар, форс-тоҷик тили.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 12-01-2023

Accepted: 13-01-2023

Published: 22-01-2023

Abstract: Данная статья посвящена структуре некоторых суффиксов и слов, приведших в узбекский язык из индоевропейских языков, конкретно из персидско-таджикского языка, и их значениям.

Keywords: интеграция, слово, суффикс, перевод, значение, словосочетание, заимствования, персидско-таджикский язык.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 12-01-2023

Accepted: 13-01-2023

Published: 22-01-2023

Abstract: This article is devoted to the structure of some suffixes and words that entered the Uzbek language from the Indo-European languages, specifically from the Persian-Tajik language, and their meanings

Keywords: integration, word, suffix, translation, meaning, word combination, loanwords, Persian-Tajik language

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Дунё тилларининг интеграциялашуви, яъни сўзларнинг у тилдан бу тилга ўтиши қадимдан содир бўлиб келган ва бу жараён тобора жадаллашмоқда. Форс-тоҷик тили элементлари ўзбек тили таркибига кириб, фаол ишлатилиши барчамизга маълум. Лекин биз ҳар доим ҳам бу сўзларни ўзбек тилидаги сўзлардан ажратса олмаймиз. Тилшунослар бу мавзуда тушунчага эгадирлар, лекин бошқа соҳа одамлари форс-тоҷик тили элементларини худди она тилидаги сўзлардек ишлатаверади, аммо уни бошқа тилдан кириб келганлигини тасаввур қила олмайди.

Тарихингдир минг асрлар

Ичра пинҳон, ўзбегим,

Сенга тенгдош Помириу

Оқсоҷ Тиёншон, ўзбегим.

Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Ўрхун хати,
Кўхна тарих шодасида
Битта маржон, ўзбегим.
Ал Беруний, Ал Хоразмий,
Ал Фороб авлодидан,
Асли насли балки Ўзлук,
Балки Тархон, ўзбегим.
Ўтдилар шўрлик бошингдан
Ўйнатиб шамширларин
Неча ҳоқон, неча султон,
Неча минг хон, ўзбегим.
Тоғларинг тегрангда гўё
Бўғма аждар бўлдию,
Икки дарё — икки **чашминг**,
Чашми гирён, ўзбегим...

(Э.Воҳидов)

Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасида айтилганидек тилларни ўрганиш қадим замонлардан, яъни Ўрхун-Энасой ёзувларидан бошлаб давом этиб келмоқда. Э.Воҳидов ижодида ҳам жуда кўп **кўхна**, **чашм**, **гирён** каби форс-тоҷик тили элеменларини кўрамиз.

Бу мақоламизда асосан форс-тоҷик тилидан ўзлашган баъзи бир қўшимчалар ҳақида фикр юритамиз. Маълумки, жуда кўп олд қўшимчалар форс-тоҷик тилига мансубдир, масалан **бе-**, **ба-**, **бар-**, **бад-**, **сер-**, **но-**, **хуш-**, **ҳам-**, **пур-** каби. Бу олд қўшимчаларни ўзбек тилига қуйидагича таржима қилиш мумкин:

Бе- -сиз, **ба-** -ли, **бар-** -ли, **бад-** -ёмон, **сер-** -кўп, **но-** -эмас, **хуш-** -яҳши, ёқимли, **ҳам-** -бирга, **пур-** -кўп.

Ундан ташқари **-дор**, **-гар**, **-дўз**, **-паз**, **-дон**, **-соз**, **-бон**, **-манд** ва бошқалар.

Бу қўшимчаларни ўзбек тилига қуйидагича таржима қилиш мумкин:

-дор -ли, **-гар** -чи, **-дўз** -тикувчи, **-паз** -пиширувчи, **-дон** -идиш, **-соз** - ясовчи, **-бон** -қаровчи.

Бу қўшимчалар ёрдамида ясалган сўзлар ўзбек адабиётида кўплаб учрайди. Қуйида Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романида ишлатилган форс-тоҷик тили элеменларига мисоллар кўрамиз:

Тиззам тошга урилган, шекилли, қаттиқ оғриб, кўнглим бехузур бўлди.

Поездда аскар болалар бор. Биламан! Ярадорлар бор.

Норасида болани шунчалик урасанми, диёнатсиз!

Баҳор серёмгир келгани мол-ҳолга яхши бўлди-ю, экинларга жабр қилди.

Охири баҳайр бўлсин деб, юрагимни ҳовучлаганча дарвозага югурдим.

*Одам бир куннинг ўзида дунёда ҳам энг баҳтли, ҳам энг **бадбаҳт** кимсага айланиб қолиши мумкинигига ишонасизми?*

Юқорида берилган мисоллардаги **бехузур, ярадор, норасида, серёмғир, баҳайр, бадбаҳт** сўзлари форс-тожик тилидан ўзлашган қўшимчалар ёрдамида ясалган сўзлар ҳисобланади. Куйида ушбу сўзларнинг маъноларини таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз.

Бехузур – бетоқат, беҳаловат, яхшимас, нотинч каби маъноларни англатади. Бе- қўшимчаси билан ясалган жуда қўп мисоллар келтиришимиз мумкин. Бемадор, бемаъни, бесамар, бевакт, бетакрор ва бошқалар.

Ярадор – яраси бор, яраланган, жароҳатли, жароҳатланган каби маъноларни англатади. -дор қўшимчаси билан ясалган сўзларга ҳам жуда қўп мисоллар келтиришимиз мумкин. Хабардор, номдор, гулдор, холдор, гумондор ва бошқалар.

Норасида – ёш, етилмаган, заиф, кучсиз каби маъноларни англатади. Қизиги шундаки, **но-** қўшимчаси ҳам, **расида** сўзи ҳам форс-тожик тилидан ўзлашган. **Расида** сўзининг луғавий маъноси “етилган”, “етган” бўлиб, норасида сўзини биз вояга етмаган, ёш маъноларида қўллаймиз. Но- қўшимчаси билан ясалган сўзлар ҳам жуда қўп, масалан, номаълум, норасмий, нотекис, нотўғри, ноўрин, ноилож, нолойиқ ва бошқалар.

Серёмғир – ёмғири қўп, ёмғирли, ёмғирга бой каби маъноларни англатади. **Сер** сўзининг асл маъноси “тӯқ” (корин), лекин бу сўз ўзбек тилида олд қўшимча сифатида қўп қўлланади. Масалан, серёғ – ёғи қўп, серқирра – қирраси қўп, серхосил – ҳосилга бой, сердаромад – даромадли, сермулозамат – қўп мулоzамат қилувчи одам, серсалом – қўп салом берувчи одам, сермаъно – маънога бой, серсув – сувли каби бир қанча мисоллар келтиришимиз мумкин.

Бахайр – сўзи хайрли, яхши, ижобий каби маъноларда ишлатилади. **Ба-** қўшимчаси ўзбек тилидаги **-ли** қўшимчасига маънодош ҳисобланади. **Ба** – қўшимчаси ясалган баобрӯ – обрӯли, бамаъни – маънили, баодоб – одобли каби сўзларни мисол қилиш мумкин. Бар- қўшимчаси ҳам ба- қўшиchasига синоним бўлади. Бунга барвакт – вақтли, эрта, бардавом – давомли, барҳаёт – тирик, ҳаёти давом этаётган каби сўзларни мисол қилиш мумкин.

Бадбаҳт – баҳтсиз, баҳти қаро, шўрпешона, баҳти очилмаган каби маъноларни англатади. **Бад** сўзи форс-тожик тилида ёмон деган маънода қўлланади (Бу сўз инглиз тилида ҳам мавжуд, **bad** - ёмон, бунинг сабаби барчамизга маълум, форс-тожик тили ва инглиз тили Ҳинд-европа тиллар оиласига мансублиги учун бу икки тилда бир-бирига ўхшаш сўзлар жуда қўп), лекин ўзбек тилида олд қўшимча сифатида жуда қўп учратамиз. Бунга

мисол қилиб бадхулқ – хулқи ёмон, бадбўй – ҳиди ёмон, баднафс – нафси ёмон, бадкор – иши ёмон (бу сўздаги кор сўзи ҳам форс-тожик тилидан кирган бўлиб “иш” деган маънони англатади.

Энди форс-тожик тилидан ўзлашган яна бир қизиқарли ҳолатга эътибор қаратамиз. Ўзбек тилида **Минораи калон, Гунохи кабира Дарди бедаво Шаҳрихон, дардисар, вақти намоз** каби бирикмалар учрайди. Булар ўзбек тилида изофали бирикмалар деб юритилади. Биз бу бирикмаларни икки тоифага ажратамиз. Биринчи тоифаси:

Шаҳрихон - хоннинг шаҳри (хон шаҳри)

Дардисар - бошнинг оғриғи (бош оғриғи)

вақти намоз - намознинг вақти (намоз вақти)

оби ҳаёт - ҳаётнинг суви (ҳаёт суви)

Бу бирикмалар *от + и + от* шаклида ясалган бўлиб, ўртада “и” қўшимчаси ишлатилган, бу қаратқич келишиги қўшимчаси “нинг” га тўғри келади. Бундай усул инглиз тилида ҳам бор. Масалан:

The capital of Uzbekistan – Ўзбекистоннинг пойтахти

The door of my room – Хонамнинг эшиги

The name of the dog – Итнинг номи

Иккинчи тоифаси умуман бошқача таржима бўлади, булардаги “и” қўшимчаси таржима қилинмайди. Масалан:

Минораи калон – катта минора

Гунохи кабира – катта гуноҳ

Дарди бедаво – бедаво дард

Жуфти ҳалол – ҳалол жуфт

Бу бирикмалар *от + и + сифат* шаклида ясалган бўлиб, ўртада “и” қўшимчаси ўзбек тилида тушиб қолади.

Бу мақолада баъзи қўшимча ва сўзларнинг маъноларига эътибор қаратдик холос, кейинги мақолаларимизда бу сўзларни турли нуқтаи назардан классификация қилишга ҳаракат қиласиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбек тили изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида (2006-2008)
2. Ҳ.Хошимов. Икки эшик ораси. Тошкент, 2019, 317-318-бетлар.
3. Ж.Эгамбердиев. Сўзларнинг метафорик маъноларини турли лугатларда кодификациялаш тамойиллари, PhD диссертацияси.